

“ТОШКЕНТ ШАҲРИ ХУДУДИДА СУТКАНИНГ ВАҚТИ БЎЙИЧА ЙТҲЛАРИНИНГ СОДИР ЭТИЛИШИ ТАҲЛИЛИ”

Бахтиёр Рахмат Абдуманноб ўғли

Тошкент давлат транспорт университети

ИНФОРМАЦИЯ О СТАТЬЕ

АННОТАЦИЯ:

ИСТОРИЯ СТАТЬИ:

Received: 28.09.2025

Revised: 29.09.2025

Accepted: 30.09.2025

КАЛИТ СЎЗЛАР:

ҳаракатни нотўғри
ташқил этиши, бахтсиз
ҳодиса, сутка, кун, тун,
вақт, йўлларнинг ҳолати,
мавжуд инфратузилма,
авария ўчоқлари.

Республикамизда, айниқса пойтахтда
транспорт воситалари оқимининг кескин
ошиб бориши, содир этилаётган йўл-
транспорт ҳодисаларининг кунинг қайси
вақти бўлишидан қатъий назар кескин
равишда йўл-транспорт ҳоди-саларининг
ошиб кетиши натижасида ҳайдовчилар ва
йўловчиларнинг ҳалок бўлган ҳамда жароҳат
олганлар сони ўсиши ҳамда уларнинг олдини
олиш, камайтириш чора-тадбирлари ҳақида.

Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси 2025 йилнинг 01 сентябрь ҳолатига статистик маълумотларга кўра 38 млн.га етганлиги маълум этилиб, шу билан бирга жисмоний шахсларга тегишли автомобиллар сони 4 млн. 700 мингга ташқил этиб, бир йил давомида кўрсаткич салкам 450 мингга кўпайган. Аҳолига тегишли жами автотransпорт воситаларидан 93 % енгил автомобиллар ташқил этади. Сўнгги вақтларда юртимизда транспорт воситалари ошиши, транспорт воситалари оқимининг кескин кўпайиши, сутканинг хоҳлаган вақтида, куннинг қайси вақти бўлишидан қатъий назар кескин равишда ЙТҲларининг ошиб кетиши натижасида ҳайдовчилар ва йўловчиларнинг ҳалок бўлган ва тан жароҳати олганлар сони ортиб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида жорий 2025 йилнинг 09 июль куни “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва тирбандликкеи камайитириш” буйича видеоселектор йиғилиши бўлиб, охириги 7 йилда бу борада кўп ишлар қилинганлигини, ташшабуслари билан диёримизда, айниқса Пойтахтимиз

йўлларида кунинг қайси вақти бўлишидан қатъий назар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда.

Пойтахтимиз Тошкентда 2025 йилнинг 8 ойида ўлим билан боғлиқ ЙТХни сутка давомида кўриб чиқадиган бўлсак, қуйидагиларни кўришимиз мумкин:

Ўлим билан боғлиқ ЙТХнинг ВАҚТИ бўйича:


- соат 00:00 дан – 06:00 гача - 10 та
- соат 07:00 дан – 09:00 гача - 8 та
- соат 10:00 дан – 12:00 гача - 9 та
- соат 13:00 дан – 15:00 гача – 3 та
- соат 16:00 дан – 18:00 гача – 13 та
- соат 19:00 дан – 21:00 гача – 16 та
- соат 22:00 дан – 24:00 гача – 5 та

Ўлим билан боғлиқ ЙТХ куннинг ЁРУҒ ВА ҚОРОНҒИ вақтлари бўйича:

- куннинг ёруғ вақтида – 33 нафар;
- куннинг қоронғи вақтида – 31 нафар одам ҳалок бўлган.

Айниқса, сутканинг соат 19.00 дан 21.00 га қадар ЙТХлар сони ўсганлиги ва бунда жароҳат олганлар ва вафот этганлар сони ошганлигини шунингдек кундузи соат 16.00 дан 18.00 га қадар ҳам ушбу кўрсаткич ўсганлигини кузатишимиз мумкин.


Диаграмма №1



Ушбу кўрсаткични ҳафта мобайнида кўрмоқчи бўлсак, ЙТХ ҳафтанинг душанба ва чоршанба кунларида ўсганлигини кўрамиз. Масалан, душанба кuni жами ЙТХ сони ўтган 2024 йилнинг 8 ойида 121 тани / 2025 йилнинг шу даврида 131 тани, ҳалок бўлганлар 12/11 нафарни, жароҳат олганлар 143/126 нафарни ташкил этган бўлса, ҳафтанинг чоршанба кuni бу кўрсаткичлар жами содир этилган ЙТХлар сони 109/142 тани, ҳалок бўлганлар 7/12 ва жароҳат олганлар 133/163 нафарни ташкил этган.

Айнан инсон омили билан боғлиқ бўлган йўл транспорт ҳодисаларининг асосий сабаби, ҳайдовчиларнинг оралиқ масофани сақламаганликлари, белгиланган тезликка риоя этмаслиги, ҳайдовчининг тажрибасизлиги ҳамда пиёдаларга йўл бермаслик, светофор ва йўл белгиларига риоя қилмаслик каби ҳолатлар билан бирга йўлда хушёрликни йўқотиши ва ўзига бўлган ишончни ошиб кетишлиги, йўлларда ҳам “огоҳлик - давр талаби” деган тушунчага амал қилмасликлари, сутканинг айниқса ёруғ вақтида бунга бефарқлиги бўлмоқда.

Диаграмма № 2



Хулоса қилиб айтганда, пойтахтимизда йўл-транспорт ҳодисаларининг ошиб кетиши натижасида ҳайдовчи ва йўловчиларнинг ҳалок бўлган ҳамда жароҳат олганлар сони ўсиши ва уларни олдини олиш, камайтириш ҳамда самарадорлиги:

-Ҳайдовчилар томонидан транспорт воситаларининг бошқаришда куннинг ёруғ ва қоронғи вақтларига ЙТХлари содир этилгандан сўнг бошқарув орқали тезкор ва тизимли ҳаракатини таъминлашдир;

-Йўл-транспорт ҳодисаларининг содир бўлган жойларда йўл ҳаракати хавфсизлиги даражасини ошириш учун ноқулай омилларни бартараф этишга қаратилган керакли чора тадбирларни режалаштириш;

-Режалаштирилган тадбирларнинг самарадорлигини ва уларни амалга ошириш натижасида бахтсиз ҳодисалар сонининг тахминий камайишини ҳисобга олган ҳолда тадбирларни ўтказиш харажатларини баҳолаш;

-Ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қондасини бузилишини айнан ЙТХ куннинг ёруғ ва қоронғи пайтларида энг кўп содир бўлаётган жойларни аниқлаш ҳамда керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 04.04.2022 йилдаги 190-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида жорий 2025 йилнинг 09 июль куни “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва тирбандликкеи камайитириш” буйича видеоселектор йиғилишидан маърузалари.
3. “Йўл ҳаракати қондаларини тасдиқлаш тўғрисида” Ўз.Р. ВМнинг қарори, 12.04.2022 йил. №172.
4. Аземша С.Н., А.Н.Старовойтов. Применение научных методов в повышении БДД. Гомел, 2017 год.
5. Қ.Х.Азизов: “Ҳаракат хавфсизлигини ташкил этиш асослари”. Тошкент 2009.- 264 б.
6. Силянов В.В. и др. Безопасност дорожного движения. Справочная энциклопедия дорожника (СЭД). Т. ВИИИ.–М.:ФГУП «ИНФОРМАВТОДОР», 2008.
7. Кликовштейн Г.И., Афанасев М.Б. Организация дорожного движения: Учеб. Для вузов – 5-е изд., перераб. и доп. – М.: Транспорт, 2001.
8. Кременец Ю.А., Печерский М.П., Афанасев М.Б. “Технические средства ОДД” : учебник для вузов. – м.: ИКЦ «Академкнига», 2005.
9. Тошкент шаҳар ИИББ ЙХХБ статистика маълумотлари @Милиция_Узб.